



уларнинг ўртаси бузилишига сабаб бўлади. Ғийбат жирканч ишлардан бўлгани учун ҳам Аллоҳ таоло ғийбатчини ўзининг ўлган биродарининг гўштини еювчига ўхшатди. Ғийбатчининг барзах ҳаётидаги жазоси шуки, у мис тирноқлар билан юзини ва кўксини тилкалайди. Мусулмоннинг бошқа мусулмонга нисбатан унинг беҳуда қонини тўкиш, ноҳақ молини ейиш ҳаром бўлгани каби унинг обрўсини тўкиш ҳам ҳаромдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ғийбат ҳаром ва гуноҳи кабиралардан;
2. Бировни у ёқтирмайдиган нарса билан зикр қилиш - гарчи ўша нарса унда бўлса-да - ғийбатдир;
3. Ғийбатга қулоқ тутиш ҳаром, ғийбатчини айблаш, уни бу ишдан қайтариш лозим;
4. Ғийбатчининг барзах ҳаётидаги азоби қаттиқдир;
5. Мусулмон кишининг обрўси тўкилаётганда уни ҳимоя қилиш зарур, шундай қилган кишининг юзидан Аллоҳ таоло дўзах ўтини қайтаради.